



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASINING
BUYRUG'I**

2018 yil "30" йилдагы

№ 719

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 октябр 87-01-822-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 ноябр 18-х-47-сонли хатларининг ижроси тұғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2018 йил 21 ноябрдаги 07-2955-сонли топшириги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 ноябр 87-01-822-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 ноябр 18-х-47-сонли хатларидан белгиланған вазифалар ижро учун қабул қилинсін.

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2018 йил 21 ноябрдаги 07-2955-сон топшириғи, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 ноябр 87-01-822-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 ноябр 18-х-47-сонли хатларидан белгиланған вазифалар ижро учун қабул қилинсін.

2. ТТА матбуот котиби С.Д.Норқуловга:

Аҳоли билан мuloқotни ташкил этиш ҳамда мурожаатлар билан ишлашда очиқлик ва шаффоффликни янада кенгрөк таъминлаш мақсадида мурожаатлар билан ишлаш жараёнии ёритиш (телевидение, радио, газета, интернет нашрлар, ижтимоий тармоқлар, расмий веб-сайтлар ва бошқа воситалар орқали) бўйича 2019 йил учун мўлжалланган Дастур ишлаб чиқилсін.

3. Вазирликлар хатларидан белгиланған тегишли вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ТТА қошидаги академик лицейда фукаролар мурожаатлари бўйича қабуллар холатини тахлил этиш мақсадида иловада келтирилган Ишчи гурӯҳ таркиби тасдиқлансін.

4. Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.А.Бобомуратов, ИНИМ бўлими бошлиғи Ў.М. Миршарапов, ИНИМ бўлими назоратчisi Ф.Ш.Тухтаходжаеваларга:

-2019 йил учун мўлжалланган Дастур 2018 йил 7 декабр кунига, мурожаатлар билан ишлаш борасида жорий йил январ-октябр ойларида

амалга оширилган ишлар юзасидан тахлилий ёзма ахборот, илова қилинган жадваллар асосида маълумотларни ҳамда мурожаатлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни 27 ноябр куни соат 15:00 га қадар вазирликларга тақдим этилсин;
-тахлилий ёзма ахборот ва жадваллар 2018 йил якуни бўйича 30 декабр кунига қадар ҳамда 2019 йилдан бошлаб ҳар чорак якуни бўйича, кейинги ойнинг 2 санасигача тақдим этилсин.

5. ТТА қошидаги академик лицей директори А.Р.Шермурадовга:
ТТА қошидаги академик лицейда фуқаролар мурожаатлари бўйича қабуллар холатини тахлил этувчи Ишчи гурӯхга фаолияти давомида тегишли шароитлар яратилсин.

6. Девонхона бўлими бошлиғи С.Р.Мўминовага:

Мурожаатлар бўйича тайёрланган жавоб хатларини тегишли манзилларга ўз вақтида конвертда почта орқали юборилишини таъминлансин.

7. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Ректор

Л.Н.Туйчиев



Кирилди:

ИНИМ бўлими бошлиғи

Ў.М.Миршарапов

Келишилди:

Ўкув ишлари бўйича проректор

Ш.А.Боймуратов

Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор

Т.А.Бобомуратов

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор

Ф.Л.Азизова

Ходимлар бўлими бошлиғи

М.С.Тадженов

ИНИМ бўлими бошлиғи

Ў.М.Миршарапов

Жисмоний ва юридик шахсларнинг
мурожаатлари бўйича масъул

Ф.И.Тухтаходжаева

ТТА матбуот котиби

С.Д. Норқулов

Хуқуқшунос

А.А.Алимов

Тошкент тиббиёт академиясининг
2018 йил “30 июн даги
719-сон буйруғига илова

Ишчи гурух таркиби:

Ўкув ишлари бўйича проректор

Ш.А.Боймуратов

Ёшлилар билан ишлаш бўйича проректор

Т.А.Бобомуратов

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор

Ф.Л.Азизова

Ходимлар бўлими бошлиғи

М.С.Тадженов

ИНИМ бўлими бошлиғи

Ү.М.Миршарапов

Хукуқшунос

А.А.Алимов

Жисмоний ва юридик шахсларнинг
мурожаатлари бўйича масъул

Ф.Ш.Тухтаходжаева



26.11.2018 № 87-09-822

**Олий таълим муассасалари
ректорлари ва филиаллар
директорларига**

**Вазирлик тасарруфидаги
ташкилотлар раҳбарларига**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2018 йил 21 ноябрдаги № 07-2955-сон топшириғи ижро учун юборилмоқда.

Аҳоли билан мулоқотни ташкил этиш ҳамда мурожаатлар билан ишланда очиқлик ва шаффоффикни янада кенгроқ таъминлаш мақсадида Сиз раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасаси (ташкилот)да мурожаатлар билан ишлан жараёнини ёритиш (телевидение, радио, газета, интернет нашрлар, ижтимоий тармоқлар, расмий веб-сайтлар ва бошқа воситалар орқали) бўйича 2019 йил учун мўлжалланган Дастур ишлаб чиқиши ва жорий йил 7 декабрь қунига тақдим этиш сўралади.

Мурожаатлар билан ишлаш борасида жорий йил январь-октябрь ойларида амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий ёзма ахборот, илова қилинган жадваллар асосида маълумотларни ҳамда мурожаатлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириши бўйича таклифларни 27 ноябрь қуни соат 15:00 га қадар вазирликнинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш гурухи dervuz@edu.uz электрон почта манзилига (тасдиқланган вариантининг сканер-нусхаси *.pdf, жадваллар электрон шакли *.xls, дастур ва таҳлилий ёзма ахборот *.doc форматларда) тақдим этилишини таъминлашингиз сўралади.

Таҳлилий ёзма ахборот ва жадваллар **2018 йил якуни бўйича 30 декабрь қунига қадар** ҳамда 2019 йилдан бошлаб **хар чорак якуни бўйича**, кейинги ойнинг **2 санасигача** тақдим этиб борилиши назоратга олинсин.

Тақдим этилаётган маълумотларнинг тўғри, сифатли ва ўз вақтида тақдим этилишига олий таълим муассасаси (ташкилот)нинг биринчи раҳбари шахсан жавобгар эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтамиш.

Илова: 7 варакда (8 та жадвал электрон шакли илова қилинмоқда).

Вазир

И.Маджидов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
АДМИНИСТРАЦИЯСИ



АДМИНИСТРАЦИЯ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН


100163, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 6

100163, город Ташкент, площадь Мустакиллик, 6

20¹⁸ йил « 21 » ноябрь

№ 07-2955

« » 20 г.



Вазирлик, идора ва ташкилотларга
(рўйхат бўйича)

Утказилган таҳлиллар аксарият вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан ҳанузгача жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш талаб даражасида ташкил этилмаганлигини кўрсатмокда.

Тегишли идоралар томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Конуни талабларидан келиб чиққан ҳолда мурожаатларда тез-тез кўтарилган масалалар бўйича таҳлиллар ўтказиш, мурожаатларни кўриб чиқиш якунлари бўйича аниқланган асосий камчиликлар ва қоидабузарликларнинг сабабларини бартараф этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини олдини олиш юзасидан етарлича чоралар кўрилмаяпти.

Мурожаатлар билан ишлаш натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш ҳамда тегишли давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилиш бўйича ишлар ҳам йўлга қўйилмаган.

Бир катор идоралар томонидан соҳа фаолияти тубдан таҳлил килинмаётганлиги натижасида келиб тушаётган мурожаатлар сони хамон юкорилигича қолмокда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ҳолатини назорат ва мониторинг қилиб бориш, бу борада давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари ишлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида куйидагиларни амалга ошириш юклатилади:

1. Мурожаатлар билан ишлаш натижаларини ёритиш соҳасида:

Ахоли билан мулоқотни ташкил этиш ҳамда мурожаатлар билан ишлашда очиқлик ва шаффофликни янада кенгроқ таъминлаш мақсадида жорий йил **15 декабрь** кунига қадар вазирлик, идора, ташкилот тизимида (*марказий аппарат, вилоят, туман-ишаҳарлардаги бўлинмалар кесимида*) мурожаатлар билан ишлаш жараёнини ёритиш (*телевидение, радио, газета, интернет наширлар, ижтимоий тармоқлар, расмий сайтылар ва бошқа воситалар орқали*) бўйича 2019 йил учун мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш сўралади.

Дастурни тайёрлашда куйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси орқали келиб тушган мурожаатлар, вазирлик, идора, ташкилотга юборилган мурожаатлар,

шахсий, сайёр, оммавий қабуллар пайтидаги мурожаатлар, расмий сайтлар, ижтимоий тармоқлар орқали ҳамда қонунчиликда белгиланган бошқа йўллар билан юборилган мурожаатлар кўриб чиқилиши натижаларини тизимли, таъсирчан услуб ва шаклларда ёритишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

- энг кўп мурожаатлар келиб тушаётган муаммоли масалалар бўйича амалга оширилган ишлар, мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида йўл қўйилган қоидабузарликларнинг бартараф этилиши, шунингдек, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳақида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб бориш;

- вазирлик, идора, ташкилот тизимида мурожаатлар билан ишлашнинг ҳолати тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиб бориш ва уларнинг натижалари ҳақида ахолини доимий хабардор қилиб бориш;

- дастур ижросини вазирлик, идора, ташкилотнинг мажлисларида, шу жумладан, ҳайъат мажлисларида муҳокама қилиб бориш.

2. Мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш соҳасида:

- вазирлик (идора, ҳокимлик) тизимида раҳбар ўринbosари даражасида мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш бўйича масъул раҳбарни буйруқ асосида белгилаш;

- масъул раҳбар томонидан идорада мурожаатлар билан ишлашни тизимли асосда олиб бориш, куйи тузилмаларда олиб борилаётган ишларни мунтазам ўрганиб бориш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш, ходимларни танлаш ва рағбатлантириш, мурожаатларни келтириб чиқараётган сабаб ва омилларни таҳлил этиш ва уларни бартараф этиш бўйича ишларни ташкил этиш;

- вазирлик (идора, ҳокимлик) тизимида мурожаатлар билан ишлаш борасида жорий йил январ-октябр ойларида амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий ёзма ахборот, илова қилинган жадваллар асосида маълумотларни ҳамда мурожаатлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни **1 декабрь** кунига қадар тақдим этиш;

- ушбу маълумотларни 2018 йил якуни бўйича ҳамда кейинчалик ҳар чоракда, кейинги ойнинг 5-санасига қадар бериб борилишини таъминлаш сўралади.

Вазирлик (идора) тизимида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати тўғрисида мунтазам равища **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбарига ахборотнома** киритиб борилади.

Илова:

- та ҳисобот жадвали;
- мурожаатлар билан ишлаш бўйича бекор қилинаётган топшириқ (хат) лар рўйхати.

Президент маслаҳатчиси

Т.Худайбергенов

1-жадвал

(идора номи) га 2018 йил _____ ойларида келиб түшгай мурожаатлар тұғрисида
МАЛГУМОТ

2-жадвал

(идора номи) га 2018 йил _____ ойларида келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Бевосита вазирликка келган мурожаатлар бўйича							Виртуал қабулхона орқали келиб тушган мурожаатлар бўйича						
Жами (худудий бўлин- малар (ҳоким- ликлар) билиш бирга)	Қаноат- ланти- рилган	Тушун- тириш берил- ган	Кўрмас- дан қолди- рилган	Рад этилган	Тегишли- лиги бўйича бошқа ташки- лотга юборилган	Ўрга- ниш жараё- нида	Жами (худудий бўлин- малар (ҳоким- ликлар) билиш бирга)	Қаноат- ланти- рилган	Тушун- тириш берил- ган	Кўрмас- дан қолди- рилган	Рад этил ган	Тегишлили- ги бўйича бошқа ташкилотга юборилган	Ўрга- ниш жараё- нида
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14

3-жадвал

(идора номи) томонидан 201__ йил ____ ойларида давомида мурожаатларни кўриб чиқишида камчилик ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан қўлланилган жавобгарлик чоралари тўғрисида маълумот

№	Вазирлик (идора, ҳокимлик) ва унинг худудий бўлинмалари номи	Жавобгарликка тортилган масъул ходимларнинг жами сони	Шундан				
			Интизомий жавобгарлик			Маъмурий жавобгарлик	Жиноий жавобгарлик
			Жарима	Хайфсан	Мехнат шартномасини бекор қилиш		
1	2	3	4	5	6	7	8
	Жами						

4-жадвал

(идора номи) томонидан 201__ йил ____ ойлари давомида мурожаатларни кўриб чиқишида камчилик ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги учун жавобгарликка тортилган масъул ходимлар тўғрисида маълумот

№	Жавобгарликка тортилган масъул ходимнинг Ф.И.О.	Лавозими	Хужжат рақами	Санаси	Жавобгарлик тури (3-жадвалга мос келниш шарт)	
					1	2
					3	4
					5	6

5-жадвал

(идора номи) томонидан 201__ йилнинг ____ ойлари давомида идора тизимида мурожаатлар билан ишлаш тизимини яхшилаш, тизимли мўаммоларни ҳал этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар тўғрисида маълумот

Куйи ташкилотларда мурожаатлар билан ишлаш юзасидан ўтказилган ўрганишлар сони	Аниқланган камчиликлар сони	Камчиликларнинг қисқача тавсифи	Мурожаатлар билан ишлаш бўйича ўтказилган семинар ва ўкув машғулотлари сони	Мурожаатлар билан ишлаш бўйича рағбатлантирилган масъул ходимлар сони	Идора тизимида энг кўп мурожаатлар тушаётган масалалар бўйича ўтказилган таҳлиллар сони*	Таҳлиллар натижаси бўйича тегишли идораларга юборилган таклифлар сони*

6-жадвал

(идора номи) томонидан 201 йил ойларида энг күп мурожаатлар келиб тушаётган, тизимли, долзарб муаммоларни хал этиш юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида маълумот

Мурожаатларда акс эттирилган тизимли, долзарб муаммо ёки масаланинг қисқача мазмуни	Муаммо ёки масаланинг келиб чикиш сабаблари	Муаммони бартараф этиш бўйича асосли таклифлар	Муаммони ечиш, мурожаатлар сонини камайтириш бўйича кўрилган чоралар
1	2	3	4

7-жадвал

(идора номи) томонидан 201 йил ойларида мурожаатлар кўриб чиқилиши натижаларини ОАВда ёритиш ва жамоатчилик билан ишлаш бўйича амалга оширилган тўғрисида маълумот

(идора номи) да жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича масъул ходимлар ҳақида
МАЪЛУМОТ

№	Вазирлик (идора, ҳокимлик) тизимида бўйича мурожаатлар билан ишлашни ташкил этиш бўйича масъул <u>рахбар үринбосарининг</u> Ф.И.О	Лавозими	Телефон рақамлари (<i>иши ва мобил</i>)	Идора тизимида мурожаатлар билан ишлаш бўйича <u>бўлинма рахбарининг</u> Ф.И.О.	Лавозими	Телефон рақамлари (<i>иши ва мобил</i>)

ЭСЛАТМА:

Жадваллар асосида 2018 йил январь-октябрь ойлари якуни бўйича маълумотлар 2018 йил 27 ноябрь кунига қадар юборилиши лозим, 2018 йил якуни бўйича 30 декабрь кунига қадар ва 2019 йилдан бошлаб хар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 2 санасигача тақдим этилади.

Бундан ташқари:

- 1) Идора тизимида мурожаатлар билан ишлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий ахборотнома алоҳида илова қилинади;
- 2) * - белгиси қўйилган устунлар бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида алоҳида ёзма изоҳ ва шархлар берилиши лозим (тадбирлар номи кўрсатилган ҳолда)
- 3) Мурожаатлар билан ишлаш натижаларини ёритиш соҳасида олиб борилган ишлар бўйича алоҳида маълумотнома тақдим этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан мурожаатлар билан ишлаш бўйича
бекор қилинаётган топширик (хат) лар рўйхати**

№	Хат номери	Санаси	Мазмуни
1.	13-292	17.02.2017 й	Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2016 йил 8 сентябрдан бошлаб қабул қилинган Фармон, қарор ва фармойишларнинг ижросини тизимли равишда таҳлил этиб бориш мақсадида ҳар ҳафта тегишли хужжатларнинг ижроси бўйича ахборот тақдим этиб бориш тўғрисида.
2.	04-617	05.04.2017 й	2017 йилнинг 1-чорагида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан хисботни 2017 йилнинг 10 апрел кунига қадар тақдим этиш ҳамда келгусида ҳар ойнинг 5 санасига қадар ойлик хисботларни бериб бориш тўғрисида.
3.	04/1-1263	15.06.2017 й	2017 йил 5 июль кунига қадар қуидаги маълумотларни тақдим этиш тўғрисида: Мурожаатларни кўриб чиқиш ҳолати; Рахбарларнинг шахсий қабули; Мурожаатларни кўриб чиқишида қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйганлиги учун жавобгарлик масалалари; Мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар.
4.	04/2-1988	02.10.2017 й	Мурожаатларни кўриб чиқишида камчиликлар ва қонунбузарликларга йўл қўйганлиги учун жавобгарликка тортилган раҳбар-ходимлар тўғрисида ҳар ойнинг 5 санасига маълумот тақдим этиб бориш тўғрисида.
5.	04/2-2490	27.12.2017 й	2017 йил 28 декабрь кунига қадар қуидаги маълумотларни тақдим этиш тўғрисида: Мурожаатларни кўриб чиқиш ҳолати; Рахбарларнинг шахсий қабули; Мурожаатларни кўриб чиқишида қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйганлиги учун жавобгарлик масалалари.
6.	04/1-1507	29.06.2018 й	Мурожаатларни кўриб чиқишида камчиликлар ва қонунбузарликларга йўл қўйганлиги учун жавобгарликка тортилган раҳбар-ходимлар тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича маълумот тақдим этиб бориш тўғрисида.